

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯНИНГ ЎРНИ

Сайтджанов Шовкат Нигматжанович, катта ўқитувчи

saytdjanov123@mail.ru

Тўхтамуродов Насимжон Нўмон ўғли, талаба

Тошкент давлат транспорт университети

Аннотатсия: Ўзбекистонда электр энергиясини ишлаб чиқаришда муқобил энергиянинг ўрни.

Калим сўзлар: Инсоният, энергетика, жаҳон иқтисодиёти, энергия ресурслари, гидроэнергетика ресурслари.

Дунё ва техника тараққиётининг жадал суръатлар билан ўсиши натижасида, инсоният учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжи ҳам ўсиб бормоқда. Энергетика жамият ҳаётда муҳим ўрин тутди. У турли-туман эҳтиёжларни қондириш имкониятларини бир неча баробар орттиришга имкон беради. Инсоният цивилизациясининг ривожини доимо ишлатилаётган энергиянинг ҳажми ва турлари билан чамбарчас боғлиқдир. Бироқ, миллий ва жаҳон иқтисодиётининг бугунги кундаги ривожини тобора энергия ресурсларининг ҳадда ортиқ кўп ишлатилиши ва унга боғлиқ ҳолда улар ҳажмининг камайиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу ўз навбатида ресурслар тақчиллиги ва экология муаммоларини келтириб чиқармоқда. Бундай шароитда инсонларда, жумладан талаба ёшларда энергиядан оқилона фойдаланиш ҳақидаги тушунчаларни ҳосил қилиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу жараёнда умумтаълим фанлари орасида физика фани алоҳида ўрин тутди.

Шу боисдан, Республикамиз электр энергетикаси корхоналари томонидан жуда кўп млрд. кВт·соатга яқин электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда ва ишлаб чиқарилаётган электр энергияси миқдори йил сайин ортиб бормоқда. Республикамизда бирламчи энергия ресурсларининг 85 фоизини табиий газ, 15 фоизини эса кўмир, нефт, газ конденсати ва гидроресурслар ташкил этади. Истеъмол қилинаётган электр энергияни 37 фоизи саноатга, 30 фоизи қишлоқ хўжалигига, 15 фоизи эса турли соҳаларга тўғри келади. Умумий фойдаланиш тармоқларидаги йўқотишлар 18 фоизини ташкил этади.

Электр энергетикаси соҳани ривожлантиришда етишиб чиқаётган малакали кадрлар олдидидаги вазифалар жуда кўпдир жумладан:

- буғ- газ қурилмалари воситасида электр ва иссиқлик энергиясини ҳосил қилувчи уйғунлашган замонавий технологияларни жорий қилиш;
- мавжуд ИЭСлар ва ГЭСларни модернизациялаш ва реконструкция қилиш билан ёқилғи - энергетика балансида қаттиқ ёқилғи ва гидроэнергетика ресурслари улушини ошириш;
- танқис энергетика боғламаларига етарли электр қувватини узатиш учун тизимлараро электр узатиш линиялари киловольт кучланишли таянч подстанцияларини қуриш;
- маиший хизмат истеъмолчиларда замонавий электр ҳисоблаш асбоблари ўрнатиш билан электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш ва электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлашган тизимини жорий қилиш.

Бугунги кунда Республикамизда электр энергиясини ишлаб чиқиш учун бир қатор янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Шу боисдан ҳам муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг янада қуёш энергияси манбаларидан фойдаланишни янада ишлаб чиқишни ташкил этади.

Ҳозирда муқобил энергия манбалари орасида биогаз ишлаб чиқариш борасидаги изланишлар ҳам жадал олиб борилмоқда. Маълумки, янги ҳосил бўлган органик ўғитлар (гўнг) чиритилмасдан далаларга чиқарилганда зарарли микроблар билан тупроқ, ер ости сувлари, атмосфера ҳавоси ифлосланади. Хусусан, 1 тонна гўнгнинг чириш жараёнида атмосфера ҳавосига 300-400 метр куб метан гази, аммиак, сероводород каби захарли газлар ажралиб чиқади. Айтиш жоизки, гўнг ва қишлоқ хўжалик чиқиндиларини махсус қурилмаларда биогаз ва биоўғит олиш мақсадида қайта ишлаш ушбу муаммоларни ҳал этишнинг истиқболли, экологик хавфсиз ва иқтисодий жиҳатдан фойдали йўналишларидан ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда Республикамизда инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда талабаларни ўрни беқиёслиги шу йўл орқали йил сайин электр энергия ишлаб чиқариш йўлга қўйилади етказилади ва барча электр энергия истеъмолчилари ишончли ва сифатли электр энергия билан таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Т. Мажидов Ноанаънавий ва қайта тикланувчи энергия манбалар. 2014 й.
2. Зайнабидинов С., Назыров Д.Э. Исследование диффузии лантана в кремнии // Известия вузов. Электроника. – Москва, 2007. – № 1. – С. 87-89.
3. *Стребков Д.С.* Сельскохозяйственные энергетические системы и экология. Альтернативные источники энергии: эффективность и управление. 1990
4. *Базаров Б.А., Заддэ В.В., Стебков Д.С.* и др. Новые способы получения кремния солнечного качества. Сб. "Солнечная фотоэлектрическая энергетика". Ашхабад, 1993